Ўзбекистон Республикаси
Халқ депутатлари
Бухоро вилояти Кенгаши
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Xalq deputatlari
Buxoro viloyati Kengashi
QARORI

2020 йил 29 май **Бухоро шаҳри** **51/9-VI**

Ғиждувон туманидаги "Юқори Работча" аҳоли пункти номини "Обод" аҳоли пункти номига ўзгартириш тўғрисида

Ғиждувон тумани ҳокимининг тумандаги "Юқори Работча" аҳоли пункти номини "Обод" аҳоли пункти номига ўзгартириш тўғрисидаги 2020 йил 27 майдаги 3020–сонли таклифини кўриб чиқиб ва "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда; 2017 й., 35-сон, 914-модда) асосланиб, халқ депутатлари вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ғиждувон тумани ҳокимининг тумандаги "Юқори Работча" аҳоли пункти номини "Обод" аҳоли пункти номига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ғиждувон туман ҳокимлиги (М.Умаров), вилоят статистика бошқармаси (У.Жуманазаров)га тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Иноятов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясининг раиси **Ф.Аминов**